*ЎНИНЧИ ЧАҚИРИҚ ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ ЎН БИРИНЧИ СЕССИЯСИ*

# БУНЁДКОРЛИК ИШЛАРИ ЧОРЛАЙДИ

3 декабрь куни Тошкентда Ўнинчи чақириқ Ўзбекистон ССР Олий Советининг XI сессияси бўлиб ўтди.

Халқ сайлаган вакиллар ўз сессиясида қатнашиш учун республиканинг ҳамма томонларидан баланд кайфият билан Ўзбекистон пойтахтига тўпландилар. КПСС Марказий Комитети 1984 йил октябрь Пленумининг, мамлакат экономикасини янада юксалтириш ва меҳнаткашлар фаровонлигини оширишнинг беш йиллик якунловчи йилидаги программасини тасдиқлаган СССР Олий Совети Иккинчи сессиясининг қарорлари, ўртоқ К. У. Черненконинг КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси мажлисидаги нутқида берилган кўрсатмалар ва йўл-йўриқлар ҳамма жойда сиёсий активлик ва меҳнат ғайратини жўш урдириб юборди. Ўртоқ К. У. Черненконинг нутқида хўжалик қурилишидаги ишларнинг аҳволи чуқур таҳлил этилди, ишни яхшилашда, иқтисодий ўсишни жадаллаштиришда ижобий силжишларни мустаҳкамлаш ва кучайтириш юзасидан конкрет вазифалар қўйилди.

Ўзбекистон ССР билан Ўзбекистон Компартияси ташкил этилганлигининг 60 йиллигини нишонлаётган республика ҳаётидаги шонли воқеа сессия қатнашчиларининг кайфиятини оширишга ўз таъсирини ўтказди. Аммо халқ сайлаб қўйган вакиллар Лениннинг диққат-эътиборни ҳал этилмаган масалаларга қаратиш — юбилейни байрам қилишнинг энг яхши усули эканлиги тўғрисидаги сўзларини ҳам унутмадилар. Депутатларнинг муҳокамасига қўйилган масалалар Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленуми талаблари руҳида, ишчанлик, юксак талабчанлик ва принципиаллик вазиятида ўтди.

Сессия қатнашчилари Ўзбекистон ССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1985 йилги давлат плани тўғрисида ҳамда Ўзбекистон ССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1984 йилги давлат плани қандай бажарилаётганлиги ҳақида «Ўзбекистон ССР Министрлар Совети раисининг ўринбосари, республика Госплани раиси депутат **Қ. А. Аҳмедов**нинг докладини, «Ўзбекистон ССРнинг 1985 йилги давлат бюджети тўғрисида ва Ўзбекистон ССРнинг 1983 йилги давлат бюджети ижроси ҳақида» Ўзбекистон молия министри депутат **И. А. Каримов**нинг докладини, шунингдек Ўзбекистон ССР Олий Совети план-бюджети ва бошқа доимий комиссиялари номидан план-бюджет комиссиясининг раиси депутат **И. К. Ҳусниддинов** қилган қўшимча докладни тингладилар.

1985 йилги план, деди ўз нутқида Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети раисининг биринчи ўринбосари, депутат **А. А. Юриц**, автоном республика меҳнаткашлари олдига катта вазифалар қўяди. Саноат ва қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришни янада ўстиришни таъминлаш, катта қурилиш программасини амалга ошириш лозим. Халқ хўжалигининг барча тармоқларини янада ривожлантириш, аҳолининг турмуш даражасини ошириш, барча шаҳар ва районларнинг, айниқса қўриқ жойлардаги районларнинг экономикасини барқарор ривожлантириш юзасидан йирик тадбирлар белгиланди.

Тошкент область Ғалаба районидаги «Коммунизм» совхозининг бригадири, депутат **Т. Қосимова** ҳам сессияда сўзга чиқди. (**Депутат Т. Қосимова нутқи алоҳида босилмоқда**).

«Таштекстильмаш» ишлаб чиқариш бирлашмасининг сайқалчиси депутат **Г. Н. Васильев** ўз корхонаси коллективининг ишлари ва режалари ҳақида гапириб берди. (**Депутат Г. Н. Васильев нутқи алоҳида босилмоқда**).

Фарғона областининг меҳнатчилари бу йилни — Ўзбекистон ССР билан Ўзбекистон Компартиясининг 60 йиллик тўйи нишонланаётган йилни яхши натижалар билан якунламоқдалар, деди Фарғона область ижроия комитетининг раиси депутат **А. Рустамов**. Саноатда ҳам, қишлоқ хўжалигида ҳам, планлар ва олинган социалистик мажбуриятлар асосан ошириб бажарилди.

Халқ хўжалигининг ҳамма тармоқлари ишини белгиланган планларни амалга оширишга қаратиш билан бирга, биз ҳамма учун ягона вазифани ҳал этишга — хўжаликни яхшироқ юритишга, ресурслардан самарали фойдаланишга, янада натижадорроқ ишлашга интилаяпмиз, деди Наманган область партия комитетининг иккинчи секретари депутат **А. С. Воеков** сессияда сўзлаган нутқида. Ҳозир биз КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ К. У. Черненконинг тежаб қолинган материал, хомашё ва ёқилғи билан йилига икки кун ишлаб бериш тўғрисидаги даъватини амалда юзага чиқаришни энг муҳим бурчимиз деб биламиз. Областда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг сифати бирмунча яхшиланди. Аҳолини зарур моллар билан таъминлашни яхшилашга интилаяпмиз.

Ворошилов район партия комитетининг биринчи секретари депутат **С. Ю. Отахонов** сессияда сўзлаган нутқида Главсредазирсовхозстрой раҳбарларини қаттиқ танқид қилди. Унинг фикрича, бошқа ҳеч қаерда қўшиб ёзиш ва кўзбўямачилик шу ташкилотда бўлганидек кўп эмас. «Главсредазирсовхозстрой» раҳбарлари қурғоқчил қўриқ ерлар комплекс ўзлаштирилганлиги тўғрисида бутун мамлакатга жар солган бўлсалар ҳам, совхозларни заказчига — республика қишлоқ хўжалиги министрлигига уй-жойларсиз, социал-маданий-маиший объектларсиз, чала-чулпа ҳолда топширмоқдалар. Одамлар бундай посёлкаларда яшай олмайдилар. Натижада қўриқ ерларни ўзлаштиришга сарфланган жуда катта маблағлар дуруст самара бермаяпти.

Бизнинг корхонамизда яхшилик томон силжиш рўй бераётганлиги яққол кўриниб турибди, деди Бухоро тўқимачилик комбинатининг йигирувчиси депутат **Б. Д. Истамова**. Бироқ, муваффақиятлар билан бирга ҳали бирталай камчиликлар ҳам бор. Калава ип ишлаб чиқариш плани ҳамон бажарилмаяпти, бунинг устига йигирув ишлаб чиқариши бир неча йилдан бери орқада қолмоқда. Шаҳар ижроия комитети, республика енгил саноат министрлиги нечун бунга тоқат қилиб келмоқдалар? Планларни муваффақиятли уддалаш учун кўп ишларни яхшилаш керак.

Қашқадарё область партия комитетининг иккинчи секретари, депутат **М. Ф. Солдатов** ўз нутқини областда мавжуд бўлган, аммо фойдаланилмай ётган катта резервларни ва уларни ишга солиш имкониятларини анализ қилишга бағишлади. Социалистик мусобақани ривожлантириш, илғор иш усулларини ҳамда прогрессив агротехника ва технологияни жорий этиш асосида моддий ресурслардан самаралироқ фойдаланиш ва меҳнат унумдорлигини ошириш тадбирлари кўрилмоқда. Турли-туман салбий ҳодисаларга қарши актив кураш давом эттирилмоқда.

Ўн биринчи беш йиллик мобайнида ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, ишловчиларнинг меҳнат ва турмуш шароитларини яхшилаш соҳасида кўпгина иш қилинди, деб уқтирди Каттақўрғон пахта тозалаш комбинатининг жинчиси депутат **Л. П. Крахмалева**. Партия билан ҳукумат совет кишиларининг меҳнати ва турмушини енгиллаштириш учун куч-ғайратни аямаяптилар. Мана шундай шароитда осонгина тугатиш мумкин бўлган қийинчиликлар айрим раҳбарларнинг ношудлиги оқибатида вужудга келаётганлиги кишини жуда ранжитади. Жумладан, депутат уй-жой-коммунал хўжалик министри А. М. Илохинга, алоқа министри Т. М. Тўхтаевга, маиший хизмат министри В. П. Куксенкога мурожаат этиб, нега сизларга қарашли бўлган ва одамларга хизмат қилиш учун махсус барпо этилган муассасалар барча ишлаб чиқариш корхоналари ишлайдиган соатлардагина ишлаб, одатда, шанба ва якшанба кунлари дам оладилар?— деб савол берди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Коммитети XVI пленумининг қарорлари асосида, деди Хоразм область ижроия комитетининг раиси депутат **К. Сафоев** ўз нутқида, областда экономикани интенсивлаш, интизомни мустаҳкамлаш, шунингдек порахўрликка, давлат мулкини ўғирлашга, хизмат лавозимини суиистеъмол қилишга қарши кураш тадбирлари амалга оширилмоқда. Ҳозирнинг ўзидаёқ бу иш сезиларли натижалар берди.

Андижон область ижроия комитети раисининг биринчи ўринбосари депутат **В. И. Поветко** ҳам сессияда сўзлаган нутқида корхоналарнинг қишлоқлардаги филиалларини ўз вақтида қуриш ва ишга тушириш муҳимлиги ҳақида гапирди. Айни вақтда у областнинг қурилиш базаси ҳозирги вақтда ўртага қўйилган вазифаларни таъминлай олмаслигини уқтириб ўтди. Планларни сўзсиз бажариш, уй-жой, мактаблар, мактабгача тарбия муассасалари ва бошқа зарур объектларни кўпроқ қуриш мақсадида қурилишни тезроқ индустриал методга кўчириш лозим.

Қумқўрғон район партия комитетининг биринчи секретари депутат **Ч. Алматов** Қумқўрғон райони ва Сурхондарё области меҳнатчиларининг ўн биринчи беш йиллик планларини муваффақиятли амалга ошириш соҳасидаги ишлари ҳақида гапирди. У ўз нутқида ҳамон ҳал этилмай келаётган масалаларга эътиборни қаратиб, кейинги йилларда областда бешта янги район, шу жумладан қўриқ ерларда учта район ташкил этилганини уқтириб ўтди. Бу районлар қишлоқ хўжалик маҳсулоти етиштиришга ихтисослашмоқда, улар учун планлаштирилаётган иш ҳажми доимо ортиб бормоқда. Аммо бу ерда уй-жой, маданий-маиший муассасалар ва соғлиқни сақлаш объектлари қурилиши суст суръатлар билан олиб борилмоқда.

Хўжаликка раҳбарликдаги камчиликларни тугатиш ҳамда салбий ҳодисаларнинг пайини қирқиш—қисқа муддатли кампания эмас, балки республика партия ташкилотининг бош йўлидир, деб таъкидлади ўз нутқида Мирзачўл районидаги «Ўзбекистон» совхозининг директори депутат **И. Охунова**. Шу муносабат билан у Главсредазирсовхозстрой ходимларининг ишдаги виждонсизлиги, қўшиб ёзиши ва кўзбўямачилиги фактларини айтиб берди, бунинг натижасида қўриқ ерлардаги хўжаликларнинг экономикаси, ишлаб чиқариш самарадорлиги зарар кўраётганини уқтириб ўтди.

Навоий область ижроия комитетининг раиси депутат **У. Асатов** ўз нутқида қуйидагиларни таъкидлади: партия XXVI съезди ва КПСС Марказий Комитетининг кейинги Пленумлари, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленуми ҳар бир раҳбардан халқ хўжалигининг асосий масалалари билан чуқурроқ шуғулланишни, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, меҳнат унумдорлигини ўстириш ва ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифатини яхшилаш учун мавжуд резерв ва имкониятлардан фойдаланишни талаб қилди. Вақт, беш йиллик эса кутиб турмайди — ҳар биримиздан меҳнатдаги куч-ғайратни қатъият билан оширишни талаб қилмоқда.

Олий Совет план-бюджет ва бошқа доимий комиссияларнинг тузатишларини ҳисобга олиб, Ўзбекистон ССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1985 йилги давлат плани тўғрисидаги ва Ўзбекистон ССРнинг 1985 йилги давлат бюджети ҳақидаги қонунларни шунингдек Ўзбекистон ССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1984 йилги давлат плани қандай бажарилаётганлиги тўғрисидаги ҳамда Ўзбекистон ССРнинг 1983 йилги давлат бюджети ижроси ҳақидаги қонунларни бир овоздан қабул қилди.

Депутатлар КПСС Марказий Комитетининг 1984 йил апрель Пленуми, Ўн биринчи чақириқ СССР Олий Советининг биринчи сессияси қарорлари асосида Ўзбекистон ССРда умумий таълим ва ҳунар мактабини ислоҳ қилишнинг 1984—1990 йилларга мўлжалланган комплекс планини амалга ошириш тўғрисида якдиллик билан қарор қабул қилдилар.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг фармонларини тасдиқлаш тўғрисида Олий Совет Президиумининг секретари депутат **Г. Қ. Ҳайдарова** доклад қилди.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг фармонларини тасдиқлаш тўғрисидаги қонунлар ва қарорлар бир овоздан қабул қилинади.

Шу билан республика Олий Советининг Ўн биринчи сессияси ўз ишини тамомлади.

(ЎзТАГ).

# Депутат Г. Н. ВАСИЛЬЕВ нутқи

## «ТАШТЕКСТИЛЬМАШ» ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИНИНГ СИЛЛИҚЛОВЧИСИ

Депутат ўртоқлар! Сессиямиз шонли кунларда ўтмоқда. Бутун Совет халқи СССР Олий Совети иккинчи сессияси қарорларидан руҳланиб, экономикани интенсивлаштиришни янада тезлаштириш учун зўр куч-ғайрат билан курашмоқдалар.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг мажлисида ўртоқ К. У. Черненко шундай деган эди: «Бизнинг кунларимизда экономиканинг барча соҳаларини ривожлантиришда машинасозлик бебаҳо роль ўйнайди. Келгуси йил планида янги туркумдаги машина ва асбоб-ускуналарни ишлаб чиқаришни жадаллаштиришдан, техниканинг пухталигини оширишдан иборат тўғри йўлга амал қилинади. Оддий бўлмаган шу вазифаларни муваффақиятли уддалаш — машинасозларнинг бурчидир».

Бу сўзлар бевосита бизга қаратилгандир. Бу сўзлар дўстларим — тўқимачилик машиналари яратувчилар қалбига жо бўлиб, уларни меҳнатда юксак марраларга эришиш учун сафарбар этмоқда.

Завод коллективи шу беш йиллик йилларида янги юксак самарали машиналарнинг 14 намунасини яратди. Уларнинг айримлари чет эл машинасозлигида ҳам беназирдир. Ипакчилик саноати учун пиллани буғлаш, пиллани титиш машиналарини кўплаб ишлаб чиқариш ўзлаштирилди, роторли йигирув машиналари тайёрлана бошланди. Улар эса пахта йигирув ишлаб чиқариши чиқиндиларидан фойдаланиш имконини беради.

Қисқа муддат ичида ишлаб чиқаришда қисман қайта ихтисослаштириш амалга оширилди: «Таштекстильмаш» коллективи пахта тозалаш ва озиқ-овқат саноатлари учун бирнеча типдаги машиналарни кўплаб ишлаб чиқаришни ўзлаштирди. Бир ярим йил мобайнида 2 мингдан зиёд ана шундай машиналар тайёрланди. Гарчанд йилнинг иккинчи ярми планлари муваффақиятли бажарилаётган бўлса-да, биз ҳамон Ватан олдида қарздормиз.

Завод озиқ-овқат саноати учун 250 та машина кам тайёрлаб берди. Ҳамон пахта тозалаш, тўқимачилик саноати учун техника етказиб бериш топшириқлари тўлиқ бажарилмаяпти. Бунинг натижасида ўзимизга ҳам, ҳамкасбларимизга ҳам панд бераяпмиз. Чунки коллективимиз халқа-йигирув ва текислаш машиналарини ишлаб чиқарувчи мамлакатдаги ягона корхонадир. Ана шу камчиликлар туфайли бизни ҳақли равишда танқид қилдилар.

Заводда хўжалик фаолиятидаги камчиликлар ва нуқсонларни бартараф этиш учун зарур чоралар кўрилмоқда, кадрлар билан ишлаш яхшиланмоқда ишлаб чиқаришни ташкил этиш даражаси оширилмоқда, ишчи ўринлари аттестация қилинмоқда, технология, социалистик мусобақанинг форма ва методлари такомиллаштирилмоқда. Афсуски, биз ҳамма ишни ўз кучимиз билан ҳал қила олмаяпмиз.

Қолоқликнинг сабабларидан бири шундаки, ҳанузгача заводни реконструкция қилиш ва техника жиҳатидан қайта қуроллантириш масаласи ҳал этилмаган. Ваҳоланки, реконструкция қилиш зарур ва бу ишни амалга ошириш шу беш йилликда ниҳоясига етказилиши назарда тутилган. СССР енгил ва озиқ-овқат саноати учун машинасозлик министрлиги бу масалаларни ҳал этишда бизга ёрдам бермаётирлар. Ҳанузгача бу ишлар учун маблағ ажратилмаган.

Заводимиз ишчиларининг фаровонлик даражаси йилдан-йилга юксалиб бормоқда. Уларнинг уй-жой турмуш шароити яхшиланмоқда. Шундай бўлса ҳам ҳозирги пайтда 500 дан зиёд ишчи ва хизматчилар уй-жой шароитларини яхшилашга муҳтождирлар. Уларнинг кўпчилиги олти-етти йилдан бери навбат кутиб ётишибди. Шундай экан, маҳаллий Советларнинг ижроия комитетлари уй-жой қурилишида ҳисса қўшиб қатнашиш масаласидаги мажбуриятларини бажариши учун уларнинг масъулиятини кучайтириш, зарур деб ҳисоблайман.

Депутат ўртоқлар! Бугун 1985 йил планини муҳокама қилар эканмиз, планлаштиришдаги салбий ҳодисалар ҳақида гапириб ўтишни истар эдик. Чунки, бундай салбий ҳодисалар қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан савдо қилишда йўл қўйилаётган катта нуқсонлар натижасида содир бўлмоқда ва харидорларнинг норозилигига сабаб бўлмоқда.

Тошкент аҳолиси ҳатто баҳорги-ёзги мавсум авж олган вақтда ҳам сабзавот ва меваларни давлат магазинларидан эмас, балки бозордаги чайқовчилардан уч баравар қимматга сотиб олаётганликларидан қонуний норозиликларини изҳор қилмоқдалар. Нима учун Мева-сабзавот хўжалиги министрлиги, Тошкент область ижроия комитети сабзавот етказиб бериш плани фақат пиёз, карам ва яна икки-уч хил турдаги маҳсулотлар ҳисобига бажарилишига бефарқ муносабатда бўладилар, деган қатъий савол туғилади. Нима учун магазинларда яхши сифатли мевалар, ош кўкатлари, сабзи, булғор гаримдориси, қисқаси меҳнаткашлар дастурхони учун зарур бўлган шундай маҳсулотлар ҳаддан ташқари кам бўлади ва кўпинча бўлавермайди.

Аҳолини мева ва сабзавот билан узлуксиз таъминлашни ташкил этишга даъват этилган давлат ташкилотларининг фаолиятсизлиги оқибатида қатор колхозлар, совхозлар раҳбарлари шаҳар аҳолиси учун лозим бўлганларини эмас, балки ўзлари учун фойдали бўлган маҳсулотларни етиштирадилар. Маҳсулотнинг анчагина қисми чайқов нархларида ошириб сотиш учун республикадан ташқарига олиб кетилади. Биз Мева-сабзавот хўжалиги министрлиги, Тошкент область ижроия комитетидан ишчилар синфига, бутун Тошкент аҳолисига лозим ассортиментдаги сабзавот ва мевалар етказиб беришни илтимос қиламиз. Республика Ички ишлар министрлиги, прокуратураси қатъийроқ фаолият кўрсатишлари, шаҳарни чайқовчилардан ҳалос этишлари керак.

Яна бир масалага эътиборни қаратишни ўз бурчим деб ҳисоблайман. Шаҳарнинг аҳолига хизмат кўрсатишга даъват этилган ташкилотларида кўпгина шундай одамлар ҳам борки, уларга ўзларининг бевосита бурчларини бажарганликлари учун турли хил «ҳадя»лар талаб қилиш одат бўлиб қолган. Айниқса, маиший хизмат кўрсатиш усталари, авария хизматларига мурожаат қилинганда ана шундай ҳоллар билан тўқнашасан. Айрим ҳолларда справка берганлиги учун ЖЭК, фарзандларни боғчага жойлаштириш учун боғча ходимлари, ҳатто медиклар ҳам қўшимча «мукофот» кутадилар.

Бундай практика Соғлиқни сақлаш министрлиги, Аҳолига маиший хизмат кўрсатиш министрлиги, Уй-жой-коммунал хўжалик министрлиги ва бошқа министрликларнинг муросасозлик билан муносабатда бўлаётганликлари оқибатидир, бундай министрликлар принципсизлик қилишмоқда, турли хил юлғичларга нисбатан тоқат қилмоқдалар. Бундай ҳолларни таг-томири билан бартараф этиш меҳнат коллективларининг ҳам вазифасидир. Таъмагирликнинг ҳар бир кўринишини кўпчилик ўртасида фош қилиш, бундай ходимлар атрофида муросасизлик вазиятини вужудга келтириш, айрим ҳолларда эса материалларни тергов органларига ҳавола этиш керак.

Демократияни ривожлантириш, жамоатчиликнинг давлат ишларини бошқаришдаги ролини кучайтириш учун Меҳнат коллективлари тўғрисидаги Қонун қоидалари катта аҳамиятга эгадир.

Меҳнат коллективлари ҳақидаги Қонун амал қилаётганига бир ярим йил бўлди. Лекин унинг барча қоидалари ҳам амалга ошириляпти, деб бўлмайди. Қонуннинг 5-моддасида маҳаллий Советлар корхона, муассаса ва ташкилотларнинг манфаатлари билан боғлиқ бўлган муайян қарорларни қабул қилишдан олдин бу қарор лойиҳалари коллективларнинг умумий йиғилишларида муҳокама қилинишига эришишлари кераклиги назарда тутилган. Шундай экан, ижроия комитетлар ана шу масалаларни меҳнат коллективларининг муҳокамасига активроқ киритишларини истар эдик. Шундай қилинсагина меҳнат коллективларининг корхонани бошқаришдаги ролларини оширган ва умуман райондаги иш аҳволи учун масъулиятларини кучайтирган бўлур эдилар.

Тошкент шаҳридан сессия ишида иштирок этаётган депутатлар 1985 йил учун республика план ва бюджети лойиҳаларини тўла-тўкис маъқуллайдилар. Айни пайтнинг ўзида бизнинг фикримизча айрим масалалар ҳам борки, уларнинг ҳал қилиниши шаҳарнинг республика халқ хўжалигини комплекс ривожлантиришга қўшадиган ҳиссасини сезиларли даражада оширади.

Тошкент шаҳри аҳолига маиший хизмат кўрсатиш борасида мамлакатимизнинг бошқа йирик шаҳарларидан ортда қолмоқда.

Бунга сабаб маиший хизмат кўрсатиш планлари маиший хизмат кўрсатиш корхоналари қуввати ва моддий-техника ресурсларига мослаб тузилмаганлигидир. Биз аҳолига маиший хизмат кўрсатиш министрлиги, Ўзбекистон ССР Госпланидан 1985 йил учун моддий-техника таъминоти плани тузилаётган пайтда барча турлар бўйича шаҳарга маиший хизмат кўрсатиш планининг бажарилишини моддий-техника ресурслари билан мутаносиблигини таъминлашда ёрдам беришларини илтимос қиламиз.

Шаҳарда турар-жой — граждан ва саноат қурилишида ҳамда иссиқлик таъминоти тармоқларини кенгайтиришда номутаносиблик сезилмоқда. Хизмат кўрсатиш объектлари билан комплексда уй-жой қурилиши суръати ошиб бораётганлигини ҳисобга олган ҳолда РК-9 ва РК-10 қозонхоналарини белгиланган муддатда қуриш ва фойдаланишга топшириш билан боғлиқ бўлган барча масалаларнинг ҳал этилишини тезлаштиришни Ўзбекистон ССР Энергетика ва электрлаштириш министрлигидан сўраймиз.

Яқинда 1985 йил бошланади. У ҳаммамиз учун алоҳида шонли йилдир. Совет халқи Улуғ Ватан урушида қозонган ғалабасига 40 йил тўлади. Шаҳар меҳнат коллективлари социалистик мусобақани кенг қулоч ёйдириб, ўз олдиларида турган катта ва масъулиятли вазифаларни муваффақиятли бажариб, бу шонли юбилейни муносиб равишда кутиб олишга ҳозирлик кўрмоқдалар. (**Қарсаклар**).

## ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ ҚАРОРИ

### КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ 1984 ЙИЛ АПРЕЛЬ ПЛЕНУМИ, ЎН БИРИНЧИ ЧАҚИРИҚ ССР ИТТИФОҚИ ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ БИРИНЧИ СЕССИЯСИ ҚАРОРЛАРИ АСОСИДА 1984—1990 ЙИЛЛАРДА ЎЗБЕКИСТОН ССРДА УМУМИЙ ТАЪЛИМ ВА ҲУНАР МАКТАБИНИ ИСЛОҲ ҚИЛИШНИНГ КОМПЛЕКС ПЛАНИ ҲАҚИДА

Ўзбекистон ССР Олий Совети шуни қайд этадики, КПСС Марказий Комитетининг 1984 йил апрель Пленуми қарорларига, КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ К. У. Черненконинг шу Пленумда сўзлаган нутқида баён этилган қоидалар ва хулосаларга амал қилиб, ўн биринчи чақириқ СССР Олий Советининг биринчи сессияси, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XV ва XVI пленумлари, Ўнинчи чақириқ Ўзбекистон ССР Олий Советининг ўнинчи сессияси қарорларига мувофиқ Ўзбекистон ССР Маориф министрлиги, Ўзбекистон ССР Олий ва ўрта махсус таълим министрлиги, Ўзбекистон ССР Ҳунар-техника таълими давлат комитети, республика министрликлари ва идоралари, Халқ депутатлари область, район, шаҳар, қишлоқ ва посёлка Советлари жуда катта давлат ва социал аҳамиятга эга бўлган мактаб ислоҳотини амалга ошириш соҳасидаги ишларни кенг аж олдириб юбордилар.

Ўзбекистон ССР Олий Совети **қарор қилади:**

1. 1984—1990 йилларда Ўзбекистон ССРда умумий таълим ва ҳунар мактабини ислоҳ қилишнинг комплекс плани маъқуллансин (илова қилинади).

2. Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, республика министрликлари ва идоралари, Халқ депутатлари область, район, шаҳар, қишлоқ ва посёлка Советлари зиммасига ушбу комплекс планнинг ҳеч сўзсиз ва тўла-тўкис бажарилишини таъминлаш вазифаси юклатилсин.

3. Халқ депутатлари область, район, шаҳар, қишлоқ ва посёлка Советларига иқтисодий ривожланишни ва маҳаллий шароитларни ҳисобга олган ҳолда мактаб ислоҳотини амалга ошириш юзасидан ўз комплекс планлари (тадбирлари)ни ишлаб чиқиш ва Халқ депутатлари тегишли Советларининг сессияларида тасдиқлаш топширилсин.

**Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси**

**О. САЛИМОВ.**

**Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари**

**Г. ҲАЙДАРОВА.**

Тошкент, шаҳри,
1984 йил 3 декабрь.

# Депутат Т. ҚОСИМОВА нутқи

## ҒАЛАБА РАЙОНИДАГИ «КОММУНИЗМ» СОВХОЗИНИНГ БРИГАДА БОШЛИҒИ

Ўртоқлар! Ғалаба районининг меҳнаткашлари барча совет кишилари қатори фидокорона меҳнатлари билан партия XXVI съезди ҳамда КПСС Марказий Комитетининг шундан кейинги Пленумлари қарорларини ҳаётга тадбиқ этмоқдалар, хўжалик ва маданий қурилишда, меҳнаткашларнинг турмуш фаровонлигини оширишда янгидан-янги муваффақиятларга эришмоқдалар.

КПСС Марказий Комитетининг октябрь (1984 йил) Пленуми халқ турмуш фаровонлигини янада ошириш Ленин партиясининг олий мақсади эканлигини яна бир бор зўр куч билан тасдиқлади. Пленум мамлакатимиз озиқ-овқат фондини мунтасил кўпайтириб бориш билан боғлиқ муҳим масалаларни муҳокама қилди.

Маълумки, республикамиз экономикаси мамлакат ягона халқ хўжалик комплексининг таркибий қисмидир. Демак, экономикани мустаҳкамлаш ҳар бир меҳнаткаш, ҳар бир коллективнинг муҳим вазифаси ва бурчидир.

Ғалаба районининг меҳнаткашлари бу вазифани яхши биладилар. Улар ўн биринчи беш йилликнинг тўртинчи йилида пахта, дон, шу жумладан шоли, маккажўхори дони, ғалла, картошка, сабзавот, қовун-тарвуз, узум, пилла, тухум тайёрлаш бўйича планларни ошириб бажариб, республика ва Ўзбекистон Компартиясининг 60 йиллиги шарафига берган ваъдаларининг устидан чиқдилар.

1984 йилда районимизда қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулотининг ҳажми планда кўзда тутилган 71 миллион сўмлик ўрнига 78 миллион сўмликни ташкил этди.

Агар ўтган йили халқ маорифига 5 миллион сўм сарфланган бўлса, бу йил 6 миллион сўм сарфланди. Соғлиқни сақлашга, меҳнаткашлар бошқа эҳтиёжларини қондиришга сарф-ҳаражатлар ҳам ортди.

Бу бизнинг бадавлат турмуш кечираётганимиздан, партиямиз халқ фаровонлиги тўғрисида оталарча ғамхўрлик қилаётганлигидан далолат бермоқда.

Районимиз маркази ободонлаштирилмоқда, аҳоли учун тобора кўпроқ қулайликлар яратилмоқда. Лекин бошқа нарса тўғрисида ҳам айтмоқчиман.

Мен план-бюджет комиссиясининг аъзосиман. Комиссиямизда қурилишни комплекс олиб бориш, далада меҳнат қилаётганлар тўғрисида ғамхўрлик қилиш ҳақидаги масалалар кўп марта кўриб чиқилган. Бироқ бу талаблар ҳали ҳамма жойда ҳам бажарилаётгани йўқ. Қишлоқ хўжалиги министрлиги, Мелиорация ва сув хўжалиги министрлиги фақат янги ерларни ўзлаштириш тўғрисида ўйлайди. Хўжаликларда эса турар-жойлар етишмайди, устахоналар, соғлиқни сақлаш муассасалари йўқ. Совхозимиз ҳам бундан мустасно эмас.

Ўйлайманки, қишлоқларда қурилаётган объектларнинг сифати тўғрисида ҳам гапириш пайти келди. Уларнинг кўпчилиги кўримсиз. Биноларни қуриб битказишга улгурмасларидан улар ремонт талаб бўлиб қолади. Нима учун Қишлоқ хўжалиги министрлиги бу соҳада тартиб ўрнатмайди? Нима учун вакиллар жуда кўп нуқсонлар бўлишига қарамай ҳар қандай актга имзо чека берадилар?

Нормал турар-жой-маиший шароитларни яратиш тўғрисида ғамхўрлик қилинмаслиги оқибатида кишилар хўжаликлардан кетиб қолмоқдалар, ердан эса зарур самара олинмаяпти.

Биз Қишлоқ хўжалиги министрлиги ва Тошкент область ижроия комитетида яна бир нарса кўриб чиқилишини сўраймиз.

Совхозимиз кўп тармоқли хўжалик ҳисобланади. Авваллари бу ерда давлат планлари районда, ҳатто областда биринчилар қатори бажариларди. Меҳнаткашларга зарур шароитлар яратиб берилмаганлиги сабабли кейинги йилларда совхозимиз «оқсаб» қолди.

Маълум бўлишича, мен меҳнат қилаётган бўлим 1975 йилда хутор сифатида бош пландан «чиқариб» ташланган экан. Ваҳоланки, бўлимимиз территорияси минг гектарни, экин майдонлари 720 гектарни ташкил этади. Бу ерда 1,5 минг киши истиқомат қилади. Бўлимимиз территория жиҳатидан совхозда иккинчи ўринни эгаллайди. Бўлимимиз коллективи ҳар йили план ва мажбуриятларни ошириб бажаради. Бироқ, совхоз раҳбарлари меҳнат қилаётганларни моддий жиҳатдан рағбатлантириш омилларидан самарали фойдаланмаётганликлари учун планни бажариш йилдан-йилга мушкуллашиб бормоқда.

Мен депутат сифатида сайловчилар наказини бажара бориб, бўлимимизни бош планга қайтадан киритилишига эришдим. Аммо ўшандан буён тўрт йил ўтган бўлишига қарамай бўлимда бирор қурилиш бошланмади.

Областда дон етиштиришни жадал кўпайтириш учун экин майдонларини кенгайтириш талаб қилинади. Амалда бунинг уддасидан чиқиш қийин. Чунки дон етиштиришга ихтисослаштирилган районларда катта-катта майдонларни саноат объектлари ҳамда ички хўжалик қурилиши учун ажратиб бериш мўлжалланмоқда. Шу муносабат билан республика Министрлар Совети ва Госпланидан областимиз бўйича дон тайёрлаш планини 1984 йилги даражада қилиб белгилашни илтимос қилардик.

Имкониятдан фойдаланиб, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми, республика Қишлоқ хўжалик министрлиги, Тошкент область қишлоқ хўжалик бошқармасидан мавжуд имкониятларни ҳисобга олган ҳолда меҳнаткашларнинг моддий ва маданий турмуш даражасини янада яхшилашга диққат-эътиборларини қаратишларини сўрайман.

Ўртоқ К. У. Черненко КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси мажлисида сўзлаган нутқида шундай деди: «Масала шу тарзда турибди: **план сўзсиз бажарилиши**, имконияти ва зарурати бўлган жойларда эса ошириб бажарилиши лозим. Бунда ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш топшириқларини бажариш учун бутун куч-ғайратни ишга солиш керак».

Мен меҳнат қилаётган комсомол-ёшлар бригадаси ишчилари ҳар йили белгиланган топшириқларни ошириб бажармоқдалар. Бу йил биз 100 гектар майдонда мўл «оқ олтин» ҳосили етиштирдик. Шахсан ўзим ўн беш йилдан буён машинада пахта тераман. Бу йил ҳам 120 тоннадан кўпроқ пахта тердим. Коллективимиз аъзолари партия ва ҳукумат қарорларини ҳаётга муваффақиятли татбиқ этиш учун бундан буён ҳам ижодий меҳнат намуналарини кўрсатадилар. (**Қарсаклар**).

